

## Саудия Арабистони подшолиги Вақф фондига 20 000 нусхада Қуръони Карим ҳадя қилди



09:00 / 07.05.2021 1976

Жорий йилнинг 6 май куни Саудия Арабистони подшолигининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари ҳамда Вақф хайрия жамоат фонди раҳбари Яҳё қори Убайдуллоҳ ўғли ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув пойтахтимиздаги «Ҳазрати Имом» мажмуасидаги «Мўйи муборак» музейида ташкил этилди. Дастлаб меҳмонлар музейида жойлашган «Ҳазрати Усмон мусҳафи»ни зиёрат қилишди.

Шундан сўнг томонлар ўзаро ҳамкорлик ва бирдамликда қилинаётган хайрия тадбирлари ҳақида сўз юритишди.

Тадбир давомида элчихона вакиллари Саудия Арабистонида чоп этилган Қуръони каримнинг 20 000 нусхасини Вақф хайрия жамоат фондига беғараз тақдим этди.